КУТУБХОНАСИ
тадқиқотлар институти


# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 49 (9.546) 2001 йил 27 апрель, жума ◆ Сотувда эркин нархда


*Ёшларимиз севиб куйлайдиган «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!» қўшиғи ҳар бир юртдошимизни Ватанни севишга, унга муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилишга даъват этади. Мен ана шу қўшиқнинг маъно-мазмунидан келиб чиқиб, барча ота-оналар номидан сизларга, кўзимизнинг оқу қораси бўлган фарзандларимизга қарата айтмоқчиман: биз Ўзбекистонни ҳам, ёшларимизни ҳам ҳеч кимга бермаймиз.*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг таъсис қурултойи қатнашчиларига йўллаган табригидан.**



## Ёшларнинг янги ижтимоий ҳаракати тузилди

Хабар берилганидек, Тошкентда Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг таъсис қурултойи бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан келган делегатлар — ёшларнинг энг фаол вакиллари иштирок этди. Анжуман ишида Ҳаракатнинг Ташаббус гуруҳи ва Маслаҳат кенгаши аъзолари ёшлар масалалари билан шуғулланадиган ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Қурултой ўз ишини ҳайъат ва котибият аъзоларини сайлашдан бошлади.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг қурултой иштирокчиларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди.

Маълумки, бундан уч ой бурун мамлакатимиз ёшларининг янги ташкилоти — «Камолот» ижтимоий ҳаракатини тузиш бўйича Ташаббус гуруҳи иш бошлаган эди. Ўтган қисқа вақт ичида гуруҳ аъзолари мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларида бўлиб, ёшларнинг мазкур ташкилотга муносабати, таклиф ва истаклари, фикр-мулоҳазаларини ўрганди. Таъкидлаш керакки, бу ғоя нафақат ёшлар, балки жамиятнинг барча қатламлари томонидан қизғин қўллаб-қувватланди. Бўлиб ўтган кўпдан-кўп учрашувларда Ҳаракат фаолиятига оид хилма-хил таклифлар билдирилди. Бу эса ёшларнинг янги ташкилотга бефарқ эмаслигини кўрсатди.

Анжуман қатнашчилари Ҳаракат Ташаббус гуруҳининг ҳисоботи ҳамда Дастур ва Низом лойиҳаси бўйича маърузани муҳокама қилдилар.

Қурултой иштирокчилари мазкур ташкилот қандай бўлиши лозимлиги, мақсад ва вазифалари, Дастур ва Низом лойиҳасига оид ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Ҳаракатнинг бошқарув органлари бюрократик аппаратга айланиб қолмаслигини, аъзолар ташаббускор, фаол шахслар бўлиши кераклигини, улар «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» шиорига мос руҳда яшаши ва ишлаши зарурлигини таъкидладилар.

Қурултой арафасида «Камолот» жамғармасининг таъсисчилар йиғилиши ўтказилган эди. Унда жамғармани тугатиш, мол-мулки ва ваколатларини ихтиёрий равишда янги ташкил этилаётган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатига бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қизғин муҳокамалардан сўнг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Дастури ва Низоми лойиҳаси билдирилган фикр ва таклифларни ҳисобга олган ҳолда тасдиқланди.

Қурултойда Ҳаракатнинг Марказий кенгаши, назорат ва тафтиш комиссияси аъзолари сайланди.

«Умид» жамғармаси ижрочи директорининг ўринбосари вазифасида ишлаб келган Ботир Убайдуллаев «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашининг раиси этиб сайланди.

Қурултой иштирокчилари Ҳаракат аъзолари озод ва обод Ватан барпо этиш йўлида фидокорона меҳнат қиладилар ҳамда бу ташкилот барча ёшларимизнинг таянчи ва суянчи бўлади, деб ишонч билдирдилар.

**(ЎзА).**

## СЎЗ — ҚУРУЛТОЙ ДЕЛЕГАТЛАРИГА

**Гулчеҳра ОЛИМЖОНОВА, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети магистратурасининг II курс талабаси:**

— Президентимиз Ислом Каримовнинг ёшларга юборган табрикларидан жуда тўлқинланиб кетдим. Давлатимиз раҳбарининг ушбу табригини шахсан мен Ватанимиз гуллаб-яшнаши йўлида нималарга қодирлигимизни кўрсатиш ва исботлаш учун оқ фотиҳа дея ҳис қилдим.

Биз аждодларимиз, буюк аллома ва адибларимизнинг Ватан келажаги йўлида бажарган ишларидан доимо фахрланамиз. Биз ёшлар ҳам Ўзбекистон келажаги, халқ фаровонлиги йўлида шундай ишларни қилайликки, шижоатимиз, саъй-ҳаракатларимиз, Ватан туйғуси билан ёниб яшаётганимизни кўриб, шундай фарзандлари борлигидан ота-оналаримиз фахрланишсин.

**Отабек ЎНГБОЕВ, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясига қарашли авиакорхона ходими:**

— Давлатимиз бизга шунчалик катта ғамхўрлик қилиб, ишонч билдираётган экан, уни ўзимизнинг меҳнатимиз, юртга садоқатли фарзандлар бўлишимиз билан оқлайлик. Янги тузилган «Камолот» ижтимоий ҳаракатининг эртанги куни, унинг ёшларимиз муаммоларини қанчалик ҳал қилиши албатта ўзимизга боғлиқ. Эндиликда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамнафас бўлиб, «Мен Ватаним учун нима бердим?», дея бутун билим, малака, маҳоратимизни мустақил юртимизнинг буюк келажагини таъминлаш йўлида сарфлашимиз керак.

## ҚИСҚА сатрларда

❒ **ТАДБИРКОРЛИКНИНГ** ривожи иқтисодиётимиз тараққиётининг бош омилидир. Чилонзор тумани ҳокимлигида тадбиркорлар ва фаоллар иштирокида ўтган йиғилиш ана шу масалага бағишланди.

❒ **КЕЧА** Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетининг биология-тупроқшунослик факультетида шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилган илмий-амалий анжуман «Биология, экология ва табиатни муҳофаза қилиш» деб номланди.

❒ **КЕЧА** пойтахтимизда ногиронлар соғлиғини қайта тиклашга хизмат қиладиган реабилитация маркази очилишининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

❒ **ЭРТАГА** Республика Байналмилал маданий марказида бўладиган мусиқа мактаблари талабалари иштирокидаги ёш мусиқачилар мусобақаси Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланади.

❒ **МИРЗО** Улуғбек туманида анъанага айланган Ватанни мадҳ этувчи «Ўзбекистон — Ватаним маним!» қўшиқлар кўрик-танловининг туман босқичи ниҳоясига етди.

❒ **ЎТГАН** куни Республика Ўқувчилар саройида ўтказилган ёш доирачиларнинг «Зарб-2001» кўрик-танлови доирачи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тўйчи Иноғомов хотирасига бағишланди.

***ФУТБОЛ: ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ — 2002***

## Ғолиб бугун аниқланади

Осиё қитъаси 7-саралаш гуруҳида ўтган куни «Пахтакор» стадионида Ўзбекистон ва Туркманистон жамоалари ўртасида ўтказилган баҳсда жамоамиз сардори Миржалол Қосимов тепган жарима тўпи ҳамюртларимизга ғалаба келтирди.

**БУГУН**

саралаш турнири ғолиби аниқланади. Унда ҳамюртларимиз иорданияликлар билан куч синашишса, Туркманистон терма жамоаси Хитой Тайпейи билан беллашади.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● **Кеча** Вазирлар Маҳкамасида 2001 йилнинг биринчи чорагидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва иқтисодий ислоҳотлар жараёнига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов бошқарди.

● **Бугун** Фарғонада Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Фарғона водийси филиали очилди.

● Банк-молия академиясида Марказий Осиё мамлакатларида электр узатиш тизимини замонавийлаштириш имкониятларини ўрганишга доир уч кунлик минтақавий семинар бошланди.

● Қўқондаги «Мастона» ҳиссадорлик жамияти россиялик мижозлар буюртмаси асосида маҳсулотлар тайёрлашга киришди. Томонлар келишувига кўра жорий йилнинг ўзида уларга 100 минг декалитр вино маҳсулотлари етказиб берилади.

● Тошкент Молия институтида «Соғлом авлод — жамият равнақи мезони» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● Бухорода ўзбек рақс санъатини бутун дунёга танитган раққоса, «Баҳор» рақс ансамблига асос солган беназир санъаткор Мукаррама Турғунбоева номидаги республика миллий рақс кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

● Навоий шаҳрида бунёд этилаётган мустақиллик иншоотларидан бири — Алишер Навоий номидаги боғда «Алпомиш» хусусий соғломлаштириш маркази ишга тушди.

● Андижонда теннис бўйича «Ибрат-2001» анъанавий турнири ўз ниҳоясига етди.

● Наманганда сув полоси бўйича республика очиқ чемпионати ўтказилди. Унда Тошкент шаҳри терма жамоаси ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди.

● **Эртага** пойтахтимиздаги «Юнусобод» спорт мажмуида ўзбек кураши бўйича I Осиё чемпионати мусобақалари бошланади.

### Жаҳонда

● **Кеча** Украина Верховная Радаси В. Ющенко ҳукуматини истеъфога чиқарди.

● **Бугун** Озарбайжонда қўшимча муниципал сайловлар бўлиб ўтади.

● **Кеча** Кишинёвда Молдова ва Днестрбўйи парламентлари делегацияларининг учрашуви бўлиб ўтди.

● **Кеча** Япониядаги ҳукмрон Либерал-демократик партия етакчиси Дзюнитиро Коидзуми мамлакат Бош вазири этиб сайланди. Хабарларга қараганда, Д. Коидзумини Япония парламенти қуйи палатасининг 287 нафар депутати қўллаб-қувватлаган. Мамлакат қонун чиқарувчи органининг юқори палатаси эса депутатларнинг мазкур қарорини тасдиқлагач, у Бош вазир курсисига ўтирди. Ва Иосиро Мори бошчилигидаги ҳукумат шу куниёқ истеъфога чиқди.

● Душанбеда Тожикистон Президенти И. Раҳмонов билан Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Бош котиби Я. Кубиш ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

● **Кеча** Ереванда коллектив хавфсизлик тўғрисидаги Шартномага аъзо мамлакатлар хавфсизлик кенгашлари котибларининг кенгаши бўлиб ўтди. Унда халқаро терроризмга қарши кураш масалалари муҳокама қилинди.

● **Кеча** Чернобиль атом электр станциясида рўй берган ҳалокатга 15 йил тўлди.

● **Кеча** Истанбулда туркийзабон давлатларнинг еттинчи саммити очилди.

● **Кеча** Ғазо секторининг Миср билан чегара ҳудудида жойлашган Рафоқ қишлоғида кучли портлаш юз берди. Оқибатда 4 нафар фуқаро ҳалок бўлган.

● Филиппин собиқ Президенти Жозеф Эстрада яна ҳибсда туриб сўроқ бермоқда. Уни коррупция ва давлат мулкини ўғирлашда айбламоқдалар. Филиппин суди намояндаларининг уқтиришича, унга ўлим жазоси тайинланиши мумкин. Бироқ Жозеф Эстрада ўзига қўйилган барча айбларни инкор қилмоқда.

## Янгиликлар, воқеалар, хушхабарлар

### ҲАМКОРЛИК



# Тажрибалар ўрганилмоқда

**Мамлакатимизда халқ таълими соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда.**

Ёшларнинг боғча, мактаблардан чет тилларини ўрганишга қизиқишлари тобора ортиб боряпти. Шу мақсадда шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси хориж мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, яхши натижаларга эришмоқда.

Куни кеча шаҳримизга Корея Республикасининг Сеул шаҳри халқ таълими департаментининг бошлиғи Ю Ин Дёнг бошчилигидаги делегация ташриф буюрди. Меҳмонлар жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейида бўлиб, у ердаги ўқитиш жараёнлари, ўқувчиларга яратилган мавжуд шарт-шароитлар, ўқув хоналари, компьютер дарслари билан танишдилар.



— Бизнинг кореялик дўстларимиз билан ҳамкорлик алоқаларимиз 1995 йилдан буён давом этиб келмоқда, — дейди Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Намоз Рўзиқулов. — Ҳамкорлик алоқалари яхши самаралар бермоқда. Меҳмонлар шаҳримиздаги корейс тили ўқитиладиган мактаб, боғча, лицейларда бўлишиб, ўқувчиларнинг корейс тилига бўлган қизиқишларини, синф хоналари, ўқитиш технологиялари, мавжуд кўргазмали қуроллар билан танишиб, илғор тажрибаларни алмашишади. Ўтган йили кореялик дўстларимиз шаҳримиздаги корейс тили ўқитиладиган мактабларга 10 минг дона китоб совға қилишди. Шунингдек, ҳар йили иқтидорли 2 та ўқувчиларимиз Сеул шаҳридаги мактабларда бир йил ўқиб қайтишади. Бу албатта ўқувчиларнинг корейс тилини янада мукаммал ўрганишларига ёрдам беряпти.

Кореялик меҳмонлар нафақат боғча, лицей ва мактабларда, шунингдек шаҳримизнинг диққатга сазовор жойлари билан танишиб, кўҳна ва навқирон Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига ҳам саёҳат қилдилар.

**Дилором ИКРОМОВА**

***СУРАТДА: кореялик меҳмонлар лицей фаолияти билан танишмоқдалар.***

***Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.***

### АНЖУМАНЛАР

## «Ёш банкчи» олимпиадаси

Ўзбекистонда илк бор ўтказилган «Ёш банкчи» республика олимпиадаси мактабларда ташкил этилган махсус банк синфлари ўқувчилари учун жиддий билимлар синови бўлди. Тошкентдаги 214-мактабнинг иқтидорли толиби илми Ҳусниддин Аҳмадхонов ҳам олимпиада ғолиби деб топилди.

У Ўзбекистон банклар уюшмаси ҳамда республика халқ таълими мукофотларини қўлга киритди.

**Акбар АЛИЕВ**

### МАТБАА

## «Чўлпон» совғаси

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети файласуф олими Тоҳир Каримов томонидан ёзилган «Авесто» изидан» деб номланган китоб босилиб чиқди. Қадимий ёзма ёдгорлик тўғрисида тарихий-илмий маълумотлар берувчи бу тўплам «Чўлпон» нашриётининг «Авесто» асари яратилганлигининг 2700 йиллигига яхши совғаси бўлди.

**Анвар ВАЛИЕВ**

### ТАЪЛИМ

## Тараққиёт омили

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида «Ёш олимлар мактаби» иш бошлади. Унинг навбатдаги машғулоти «Замонавий математика ва кибернетиканинг ривожланиши» деган мавзуга бағишланди.

**Азим АҲАДОВ**

## Сўранг, жавоб берамиз



***Йигирма тўрт ёшдаман. Олий ўқув юртини тамомлаб, магистратурада таҳсил оляпман. Муддатли ҳарбий хизматга чақириламанми?***

*Ш. Тоҳиров*

Магистратурани тамомлаган пайтингизда 27 ёшга тўлмаган бўлсангиз ва ўқиш давомида ҳарбий кафедрада ўқимаган чоғингизда сиз ўн икки ой давомида ҳарбий хизматни ўташ учун чақириласиз.

* * *

***Олти йил олдин учинчи боламиз ногирон туғилганлиги сабабли турмушимиз келишмасдан эрим билан ажрашганман. Ўша пайтда участка учун ер олиб пойдевор қурган бўлсак-да, уй-жойга даъво қилмасдан болаларим билан чиқиб кетганман. Ҳозир ўша участка битган. Мен эримнинг участкасида рўйхатда бўлганлигим сабабли уч болали ёлғиз она сифатида собиқ турмуш ўртоғимнинг маҳалласидан ер олишга ҳуқуқим борми?***

*С. Аризова*

Ҳа, сиз рўйхатдан ўтган жойингиздан участка қуриш учун ер олишга ҳақлисиз. Бундан ташқари собиқ турмуш ўртоғингиз билан ҳаёт кечирган чоғингизда тўплаган мол-мулкдан ўз улушингизни олишга, ундан алиментлар ундиришга ҳам ҳаққингиз бор. Ушбу ҳуқуқларингизни суд орқали талаб қилишингиз мумкин.

* * *

***Ҳиссадорлик жамиятларидан бирида ишлайман. Пенсияга чиқишимга икки йил қолган. Меҳнат таътилига чиқиб келганимдан сўнг менга ишдан бўшаш учун ариза ёз дейишяпти, қисқаришга тушириган ҳолда бўшатинглар десам рози бўлишмаяпти. Корхона раҳбарияти ҳақми?***

*А. Раҳимов*

Корхона раҳбарияти сизга нисбатан ноҳақлик қилган. Меҳнат кодексининг 100-моддасига мувофиқ иш берувчи ўз ташаббуси билан қуйидаги ҳолларда ходимни ишдан бўшатиши мумкин:

1) Технология, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишда ўзгаришлар бўлса, ходимлар сонининг ўзгаришига олиб келувчи иш ҳажмларининг қисқариши ёхуд корхона тугатилганида;

2) Ходимнинг бажариладиган ишга нолойиқ бўлиши;

3) Ходим томонидан мажбуриятлари сурункали тарзда бузилишида;

4) Ўриндош сифатида ишловчи ходим ўрнига ўриндош бўлмаган бошқа ходимнинг ишга қабул қилиниши муносабати билан;

5) Корхона эгасининг ўзгариши муносабати билан унинг раҳбари билан меҳнат шартномасининг тўхтатилишида.

Иш берувчи юқоридаги сабаблар доирасидан четга чиқишга ҳақли эмас. Шунингдек, ҳеч кимнинг сизга ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёздиришга ҳуқуқи йўқ.

* * *

***Бозордан бегона кишидан машина сотиб олгандим. Фақат уни ўз номимга ўтказмасдан эгаси уч йилга ишончнома қилиб берган эди. Яқинда ишончноманинг муддати тугаганлиги сабабли уни чўздириш учун борсам машинанинг собиқ эгаси вафот этган экан. Ишончнома машинани сотиш ҳуқуқи билан берилган эди. Нима қилишим керак?***

Машинага ишончнома уни сотиш ҳуқуқи билан берилган ва ишончноманинг амал қилиш муддати тугаган бўлса ва сиз шу вақт ичида машинани ўз номингизга расмийлаштирмаган ва сотмаган бўлсангиз айни чоғда машинага нисбатан барча ҳуқуқларингизни йўқотасиз. Машинага бўлган ҳуқуқларингизни қайта тиклаш учун эса судга мурожаат қилишингиз керак.

**Жавоблар ҳуқуқшунос Ойбек ИСОҚОВ ва таҳририят ходимлари томонидан тайёрланди.**

* * *

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 133-99-42 телефонига қўнғироқ қилсангиз малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.**



*Бола кулса — олам кулади.* *Равиль Альбеков олган сурат.*

**САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК**

# Ҳаёт тарзимиз ва бардамлик

**Қуйидаги тест сўровномалари ҳаёт тарзимизнинг саломатлигингизга таъсирини билиб олишингизга ёрдам беради. Фақат жавобларингиз самимий бўлиши шарт.**

1. Янги мева ва сабзавотларни мунтазам истеъмол қилиб борасизми?
Ҳа — 3, йўқ — 0.

2. Ҳайвон ёғини истеъмол қилишда ўзингизни чеклашга ҳаракат қиласизми?
Ҳа — 5, йўқ — 0.

3. Толали таомлар, кепакли ун нонини мунтазам истеъмол қиласизми?
Ҳа — 2, йўқ — 0.

4. Қант-шакар истеъмолида ўзингизни чеклайсизми?
Ҳа — 3, йўқ — 0.

5. Дам олиш, ўзингизни бироз бўш қўйишни биласизми?
Ҳа — 5, йўқ — 0.

6. Ишдан ташқари бирон эрмагингиз борми?
Ҳа — 4, йўқ — 0.

7. Ишингиз ўзингизга ёқадими?
Ҳа — 4, йўқ — 0.

8. Сиз тўла ишонадиган бирон дўстингиз борми?
Ҳа — 3, йўқ — 0.

9. Севган кишингиз борми?
Ҳа — 4, йўқ — 0.

10. Ишда янада масъулиятлироқ бўлишим керак, деб ҳисоблайсизми?
Ҳа — 0, йўқ — 2.

11. Ўз зиммамга камроқ мажбурият олишим керак, деб ҳисоблайсизми?
Ҳа — 0, йўқ — 2.

12. Тез-тез зерикиб қолганингизни ҳис этасизми?
Ҳа — 0, йўқ — 3.

13. Чекасизми?
Ҳа — 0, йўқ — 6.

14. Кунига ярим пачкадан камроқ чекасизми?
Ҳа — 2, йўқ — 0.

15. Спиртли ичимликларни истеъмол қиласизми?
Йўқ — 3, баъзида — 2, ҳар куни — 0.

16. Вазнингиз қанча?
Қанча бўлишингиз керак бўлса, шунча — 5, меъёрдан 6 килограммгача ортиқ — 4, меъёрдан 6-12 килограмм ортиқ — 2, меъёрдан 12 ва ундан кўпроқ ортиқ — 0.

17. Гимнастика билан мунтазам шуғулланасизми?
Ҳа — 2, йўқ — 0.

18. Мускулларингиз оғригунча машқ қиласизми?
Ҳа — 0, йўқ — 2.

19. Ухлаб қолишингиз учун уйқу дориси керакми?
Ҳа — 0, йўқ — 1.

20. Машинада ҳамиша хавфсизлик камарини тақиб оласизми?
Ҳа — 1, йўқ — 0.

21. Дори сотиб олишга тез-тез мажбур бўласизми?
Ҳа — 0, йўқ — 2.

22. Баъзида бўлса ҳам артериал қон босимингизни текшириб турасизми?
Ҳа — 1, йўқ — 0.

23. Доимий оғриқларингиз бўла туриб, шифокорга мурожаат этмай юрасизми?
Ҳа — 0, йўқ — 5.

24. Спортнинг хавфли турлари билан шуғулланасизми?
Ҳа — 0, йўқ — 3.

25. Тез-тез безовталаниб ёки ҳаяжонланиб турасизми?
Ҳа — 0, йўқ — 5.

**Натижалар: 50-75 балл.** Сиз соғлом ҳаёт тарзи билан яшайсиз. Соғлиғингиздан хавотир олмасангиз ҳам бўлади. Сиз учун ҳеч қандай (ҳатто магнит) бўронлари ҳам хавф сололмайди.

**25-19 балл.** Сиз ҳаёт тарзингизни ўзгартиришингиз шарт! Буни тезроқ амалга оширинг, акс ҳолда сизни нохушликлар кутмоқда.

**24-0 балл.** Сиз ҳаёт тарзингиз ҳақида жиддий ўйлаб, уни ўзгартириш чорасини зудлик билан кўришингиз керак! Саломатлигингиз хавф остида! Яна бир бор сўровномани синчиклаб ўқиб чиқиб, ҳозироқ нима қилиш имконингиз борлигини ўйлаб кўринг.

Шуни унутмангки, саломатлигингиз кўп жиҳатдан ўзингизга боғлиқ ва ўз қўлингизда.

# Хандалар

*Дарс тугашига яқин эшик тақиллаб, синфга ўқувчи кириб келди:*
*— Устоз, мумкинми?*
*— Боқижон, яна кеч қолдингми-а?...*
*— Ахир, ўзингиз ўқишнинг эрта-кечи йўқ дегандингиз-ку?..*

* * *

*—Алло, бу ҳайвонларни ҳимоя қилиш жамиятими?*
*— Худди шундай. Ўзи нима гап?*
*— Қаранг, анави почтачи дарахтга чиқиб олиб менинг итимни ҳақорат қилаяпти...*

* * *

*Валижон мактабдан келгач, отаси тўхтатиб деди:*
*— Қани, кундалигингни бир кўриб қўяйчи!.. Ие, бу нимаси? Яна икки олдингми?*
*— Нималар деяпсиз, дада? Биз кечадан бошлаб икки балли тизимга ўтганмиз.*

* * *

*Зоомагазинда бир бола тошбақани томоша қилаётиб, кутилмаганда сотувчидан сўради:*
*— Амаки, мана бу тошбақа неча пул туради?*
*— Икки юз сўм.*
*— Ғилофсиз-чи?..*

* * *

*Икки қўшни аёл кўчада суҳбатлашиб ўтиришарди. Гап орасида бири иккинчисидан сўради:*
*— Қўшни, ўғлингизни жуда бақироқ хотинга уйлантирибсиз-да!*
*— Қўяверинг, ахир уйга қўриқчи ҳам керак-ку!*

**Олимжон ҲАЙИТ тайёрлади**

## РАССОМ ҲАНДАСИ




***— Ма, ол, ичмайсанми?***
***— Йўқ ичмайман, мен рулдаман.***




***— Туғилган кунимга торт олибсан-у, битта торт-тортдан қўшиб олмабсанда, хотинжон.***

**Абдурасул Ҳакимов чизган расмлар.**

***ДОНИШМАНДЛАР ХАЗИНАСИДАН***

**НОДИР**

# БИРИНЧИ ГУЛШАН

**(Охири).**

Адан халқи йигитнинг бу сўзларини эшитиб ҳайрон бўлиб, унинг ҳолига ачиндилар ва унга: —Агар шундай кишининг фарзанди бўлсанг, у ҳолда ушбу бону сенга муборак бўлғай! Вагарна бу сўзларинг ёлғон чиқса, бонуни сендан ажратмоқлиқ жоиздур — дедилар. Улар йигитга бир ой муҳлат белгилаб, ўз уйларига тарқалдилар.

Йигит яна бону билан бирга шод-хуррамликда кун кечира бошлади. Роҳат ва фароғатда кечган кунлар худди яшиндек тез ўтарди. Ниҳоят, белгиланган муҳлат яқинлашиб, ой бир кам ўттизга етди. Йигит қалбида яна ҳижрон ваҳми аланга олиб, ёруғ дунё кўзига қоронғулашди. Ҳижрон соати яқинлашгач сари ғам-андуҳ лашкари юрак-бағрини эзиб, ақл-идрок сустлашиб, бирор маънилик чора-тадбир ўйлашдан ожиз эди. У ўз аҳволидан нолиб, дамба-дам йиғлар ва яратганга муножот қилиб, мадад сўрарди. — Ҳожатимни раво қилғувчи ўзингсан, сирру аҳволим ўзингга маълум — деб, ҳазин овоз билан йиғларди.

Иттифоқо, Адан мулкининг одил ва саховатли подшоҳи бўлиб, адолат мулкининг султони, саховат кишварининг хони эди. У ҳар тунда кийимини ўзгартиб, хуфёна шаҳар кўчаларию маҳаллаларини кезарди. Ким тўғрию ким фосиқ, ким золиму ким мазлум, улар аҳволидан воқиф бўлиб, золимларга жазо бериб, мазлумлар дардига даво бўларди. Подшоҳ бу кеча ҳам шаҳар кезиб, йигит истиқомат қилаётган ҳовли ёнидан ўтаётиб ҳазин овоз ила мунгли нолишини эшитибди. Шоҳ ҳовли эшигини тақиллатди. Эшик очилиб ичкаридан йигит чиқиб келди. Улар бир-бирлари билан кўришгач, шоҳ ўзини йўловчи дарвеш деб танитди ва йигитдан оҳу ноланинг сабабини сўради. Йигит ўз аҳволини бошдан-оёқ бир-бир баён қилди. Шоҳ йигитнинг саргузаштини эшитиб, юрак-бағри эзилиб, — мен ҳам сенингдек бу ерда мусофирман, сенинг дардинг ҳам худди меникидай экан, Оллоҳ нажот берсин! — деб, шоҳ ўз йўлига кетди. Йигит эса келган одам шоҳ эканини хаёлига ҳам келтирмай уйига кирди.

Эртаси тонг ёришгач, Адан шоҳи ипак хуржуннинг икки кўзини турли қимматбаҳо жавоҳирлар билан тўлдириб бир отга юклатди. Подшоҳ бир кимсани ҳузурига чақириб, кўп инъомлар бериб хизматга буюрди. Ул кимса Адан фуқароси эмасди, бинобарин тил шеваси, талаффузи ҳам ўзгача эди. Подшоҳ ул кимсага йигит воқеасини яширмай баён қилди-да: — Сўраб-сўраб фалон маҳаллада фалони ибн фалони бойнинг куёвини топгин! Куёвни кўрган заҳотинг қўлини ўпиб таъзим қил! Ўзингни отаси қўл остидаги ходим қилиб кўрсат ва бу от билан хуржунни унга топшириб зудлик билан ҳузуримга кел! — деди.

Ул одам хуржунни отга ортиб йўлга тушди. Қидириб бойнинг куёвини топди ва отдан тушиб кўзига ёш олиб йиғлаб кўришгач, — Сенга отанг бениҳоя салом йўллади. Сенинг фироқинг билан юрак-бағри эзилган, кўзи нурсизланиб, кўнгул оинаси хиралашган. Бу ердан уйланганингни эшитиб қариндошу ёрбиродарлар хафа бўлдилар. Чунончи, бу ердагилар сени келгинди деб, сендан номус қилармиш. У ерда барчамиз афсусдадурмиз. Отанг бу от билан жавоҳирларни сенинг маишатинг учун юборди, токи рўзғоринг фаровон бўлғай. Яна отанг айтдики, фарзандим йўлида барча молу мулким тасаддуқ бўлсин! Ушбу сўзларни айтгач, мулозим келган йўлига қайтиб кетди.

Мулозим кетгач хонадон аҳли ва қўни-қўшнилар йигитнинг ҳузурига келиб, унинг қадр-қимматини билмай камситганлари учун кўп узрхонликлар қилдилар. Йигит эса бу ҳодисанинг сирига тушунолмай, фикри чувалашиб гоҳ ҳуд, гоҳ беҳуд бўларди.

Эртаси ул саховатли шоҳ бир мирзони чақириб, йигитнинг отаси тилидан ўз номига бир мактуб ёздирди. Мактубнинг мазмуни қуйидагича эди: «Эй шаҳаншоҳи олам, дўстлик, қадрдонлик ва оталик — фарзандлик ҳаққи-ҳурмати фарзандим ҳолидан хабар олиб тур! Фарзандим фироқи мени кўп қийнамоқда, аммо начора йўл йироқлиги монелик қилмоқда. Қадрдонлик ҳурмати юзасидан ўғлимни ўз суҳбатингга хос қилиб, жафою заҳматдан халос этғил!» Шоҳ бу ҳижрон мактубини мулозимига бериб, йигитнинг масканини унга тушунтиргач: — Мактубни маҳалла аҳли ҳузурида йигитнинг қўлига бер ва мактуб мазмунини баён қилгин-да, йигитни ҳузуримга олиб кел! — деди.

Мулозим мактубни келтириб йигитнинг қўлига бераркан, подшоҳнинг таклифини баён қилди. Қизнинг отаси куёвига ҳамроҳ бўлиб, ҳар икковлари шоҳнинг саройига бордилар. Подшоҳ йигитни ўз ёнига ўтказиб, унга кўп илтифотлар кўргазиб меҳрибонликлар қилди. Қизнинг отасига қимматбаҳо саруполар кийдириб, зару зевар инъом қилиб уйига жўнатди.

Шундан сўнг ул саховатли шоҳ йигитни хилватга чорлаб, унинг ночор аҳволидан воқиф бўлгач, бу мавҳум аҳволдан халос этмоқ учун ўзининг барча қилган чора-тадбирларини бирма-бир баён қилди. Йигитни ўзига надим қилиб тайинлади.

Шундан сўнг подшоҳ йигитга қараб, — бу сир эл ичра пинҳонлигича қолсин, токи нуқсон изловчиларга дастак бўлмасин! — деди. Улар умрларининг охиригача бир-бирларига меҳрибон содиқ дўст бўлиб, фароғатда яшаб оламдан ўтдилар.

**Кима бўлса агар давлат муяссар,**
**Бу янглиғ бўлғуси бечорапарвар.**

**Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.**

## Шарқ дурдоналари

# Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Кулар юзли, хушхулқли, хушмуомалали одам андиша ва фаросат эгаси бўлади. Шундай гўзал сифатларга эга бўлган, лекин ўқимаган одам билан ҳамсуҳбат бўлиш — ёмон хулқли, қўрс бир олим билан ҳамсуҳбатда бўлишдан яхшироқдир. Бир фозилдан: «Қайси фазилат энг яхши фазилат саналади?» деб сўрадилар. Фозил: «Кулар юзли, ширин сўзли, хушмуомалали бўлиш», деб жавоб берди.

**Барча ишдан хулқи хуш яхши эрур,**
**Хулқи хуш одамни эл иззат қилур.**

● Ақл-ҳуш эгаси бўлган одам халқ билан дўстона яшайди. Халқ билан чиқишмаган одам роҳат юзини кўра олмайди.

**Кимки эл бирла муроса қилмади,**
**Умрининг ширинлигин ул билмади.**

● Ўзидан катта, тажрибали, билимдон кишилар билан маслаҳат қилмай иш бошлаган одам, у ишдан манфаат кўрмайди.

**Қилма ҳаргиз ўз муродинг бирла иш,**
**Ул муродин-ла пушаймон бор эмиш.**

● Ғаразли ва хушомадгўй одамнинг суҳбати ва ошнолигига ишонма, унинг дўстлигига эътибор берма, чунки хушомадгўй одам ўз муддаосини ҳосил қилгандан кейин сендан узоқлашади, сен билан суҳбатдош бўлишдан ва ошноликдан юз ўгиради.

**Қарға фароғат ила тутса чаман ичра мақом,**
**Қарға бўлиб қолур, аммо сира ҳам булбул бўлмас.**

● Ошноларга манфаат етказмасдан улардан манфаат кутиш, ерга уруғ сепмасдан туриб, дон олишни тама қилиш каби маъносиздир.

**Киши ёндирмайин суҳбатда шамни,**
**Ёруғликнинг нишонини кўролмас.**

● Суқрот ҳакимдан:

— Сиз жуда кам қайғурасизу, кўпроқ шодиёнадасиз, бунинг сабаби нима? — деб сўрадилар.

Суқрот шундай жавоб берди:

— Агар қўлимдан келса ғам-ғусса келтирадиган нарсага кўнгил қўймайман, ҳуда-беҳуда нарса учун қайғуриб ўтирмайман. Шунинг учун шодлигим қайғумдан кўра кўпроқ бўлади.

● Икки нарса, яъни шижоат ва матонат инсонга ҳар ишда муваффақият бахш этади. Шижоат — ботирлик, мардлик билан ишга киришиш, матонат эса бардошлилик, мустаҳкам ва қатъий иродали, деган сўздир. Бу хислатларга эга бўлган киши бахт-саодатга эришади.

**Кимки шижоат ҳам матонат йўлига қўйса қадам,**
**Ишлари топгай ривожу, эл қошида мухтарам.**

● Уч нарса инсонга жуда зарур: қаҳру ғазаб вақтида ўзни тута билиш, бошга кулфат тушганда бетоқат бўлмай сабр қилиш ва хайрли ишларга шошилиш.

**Ҳар кишига бахту иқбол бўлса ёр,**
**Хайру эҳсон бирла бўлгай номдор.**

● Донишмандлардан бири ўз дўстларига шундай насиҳат қилди:

— Жаҳл ўтини чидам, бардош суви билан ўчиринг, қаҳру ғазаб тиканларини сабр-тўзим ўти билан ёндиринг, сийнангиз ҳасад дуди билан хиралашмасин, кўнглингиз лавҳида адоват нақшлари ўрин олмасин. Жон оғритар воқеалар юз берганда телба-девоналардек ҳаракат қилишдан, бошингизга қаттиқ мусибат тушганда умидсизлик гирдобидан сақланинг.

Ҳар ишингиз ўз андозасидан ташқари чиқмасин, ҳисобли иш тутинг, харажатингиз даромадингиз чегарасидан ошмасин, чиқимингиз киримингизга қараб бўлсин.

**Одамга сабр гар кўрингай заҳар,**
**Чидам ниҳояти жонга бўлгай шакар.**

● Баланд ҳимматли киши, агар умри дарахт гулидек қисқа бўлса ҳам халқ олдида мақбулдир. Ҳамма уни дилдан чиқармайди. Паст ҳимматли киши узоқ яшаса ҳам ҳеч ким уни ёдламайди.

**Ҳимматингни тут баланд эл олдида,**
**Ҳимматингча мартабанг бўлғай баланд.**

## БУ АЖИБ ДУНЁ

### Жуда ҳам енгил

**Лондонлик Луи Борси дунёдаги энг енгил автомобилнинг ягона муаллифи ҳисобланади.**

У яратган вазни 95 килограммли, соатига 25 километр тезликда ҳаракат қилишга қодир митти автомобиль айниқса бизнинг шароитда бебаҳодир; кимсасиз жойда бузилиб қолса ёки ўнқир-чўнқир йўлларда юролмаса, бемалол от ёки эшакка ортиб кетаверса бўлади. Жуда бўлмаса ўнгариб олиб кетиш ҳам мумкин.

### Балли, калла!

**Маълумотларга қараганда, ҳиндистонлик Милинд Дашмух исмли одам бошига сут тўлдирилган шиша идишни қўйиб, шу қўйи Пуна шаҳридан Лонновал шаҳригача бўлган 65 километр йўлни босиб ўтган.**

Манзилга етгунга қадар бирор марта ҳам қўлини идишга теккизмаган, сутнинг бир томчиси ҳам тўкилмаслигига эришган.

### Ўргимчакка ўхшаб

**АҚШнинг Калифорния штатилик Дэннел Гудвиннинг ўргимчаклар билан қариндошчилиги бор, шекилли.**

30 ёшли Гудвин Торонтодаги Миллий марказ биносининг томига ҳеч бир альпинистлар анжомисиз, бармоқлари ва оёқлари ёрдамида тирмашиб чиқишга муваффақ бўлди. Ҳолбуки, бинонинг девори теп-текис, оёқ қўйиш ёки қўл билан ушлаш учун ҳеч бир таянч йўқ, ердан томгача бўлган баландлик эса роппа-роса 342,9 метрга тенг эди.

**Дилдора СОДИҚОВА**

## БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

# Бошқотирма

**Диагонал бўйича:** 1. Кўркам йирик очиладиган манзарали, пиёзгулли ўсимлик. 2. Ўзбек халқ қаҳрамонлик достони. 3. Ўқув қўлланма нашри. 4. «Нексия» автомобилининг она тилидаги атамаси. 5. Ижодкор аёл назм устаси. 6. «Чархпалак» фильмидаги аёллардан бири. 7. Хамсачиликка асос солган озарбайжон мумтоз, мутафаккир шоири. 8. Сув гули. 9. АҚШ шимолидаги штат. 10. Зийнат буюмлари учун ишлатиладиган сариқ тусли қаттиқ табиий ашё. 11. Қуёш сиртини оддий кўз билан кузатишга имкон берувчи оптик қурилма. 12. Осиё қитъасидаги ҳудуди энг катта ярим орол. 13. Металл, ёғоч каби ашёларга ишлов бериш, буюмлар ясаш қурилмаси. 14. Қуруқ мева. 15. Тропик мамлакатларда ўсувчи танаси қаттиқ ва қорамтир тусли дарахт. 16. Сув кучи билан ҳаракатланувчи, шоли оқлаш иншооти.

**Муаммонома**

Шакл атрофида буюк соҳибқирон Амир Темур ёзиб қолдирган ибратли сўзлар рақамларда яширинган. Уларни қуйидаги очқич ёрдамида билиб олинг.

1. Ватан, юртнинг яна бир атамаси — 8,4,11,5.

2. Маҳсулотнинг пул билан ифодаланган қиймати — 1,2,14,9.

3. Нур ва ҳарорат манбаи бўлган само жисмининг китобий атамаси — 13,2,3,10.

4. Меҳнаткаш, бунёдкор аъзо — 12,6,7.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**



### Газетанинг 20 апрель сонида чиққан зеҳнингизни синаб кўринг машқининг жавоблари:

**Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида:** 1.Хоразмий. 2.Жомий. 3.Югнакий. 4.Аттор. 5.Қошғарий. 6.Навоий. 7.Авлоний. 8.Лутфий. 9.Беҳбудий. 10.Беҳзод. 11.Мирхонд. 12.Махмур. 13.Наршахий. 14.Биноий. 15.Увайсий. 16.Фурқат.

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар:** 1.Хондамир. 2.Фитрат. 3.«Далли». 4.Киноя.
**Ҳикмат:** Камолот — фаолият хирмонидир.

## «02»: ҲОДИСАЛАР

● Автотранспорт воситаларини йўл четларида қаровсиз қолдириш баъзи бир нопок кимсаларга қўл келмоқда. Чунки улар бели оғримай, бир пасда автоуловнинг бирор қисмини ўмарса бўлди. Ана шундай олғирлардан бири Миробод туман ИИБ ходимлари томонидан фош этилди. Буюк Турон кўчасида қаровсиз қолдирилган «ВАЗ-2106» русумли автомашинанинг эшигини калит танлаш йўли билан очиб, салонидан 20.000 сўм пулни олиб кетган Г. қўлга олинди.

● Баъзан ўзини жиловлай билмаган инсоннинг шайтоний одатлари қўзиб кетади. Яккасарой туманида яшовчи А. ва Р. ўртасида гап қочди. Натижада А.Р.га пичоқ билан жиддий тан жароҳати етказди. Бунинг учун у жиноий жавобгарликка тортилди. Шуни айтса керакда, гапдан гап чиқади, милтиқдан ўқ, деб.

● А.Икромов туманида яшовчи Т.нинг бўйнидан номаълум шахс сариқ металлдан ясалган қимматбаҳо тақинчоғини юлиб қочди. ИИБ ходимларининг тезкор кўрган чора-тадбирлари натижасида ушбу жиноятни содир этган Р. ушланди. Ўғирланган буюм эгасига қайтарилди.

● Худди шундай хабар Чилонзор туман ИИБсига ҳам тушди. В.нинг қулоғидан зирагини юлиб қочган А. узоққа бора олмади. Осойишталик посбонлари томонидан тезда чора кўрилиб, далилий ашё қайтариб олинди.

● Тўртта номаълум шахс С.нинг уйига юзларига ниқоб кийиб, бостириб кирди. Хонадон соҳибини қирқма милтиқ билан қўрқитиб, 300 АҚШ доллари, тўрт хил сариқ металлдан ясалган қимматбаҳо тақинчоқлари, «Фунай» видеоиккилиги, «Филипс» мусиқа маркази ва чарм курткасини тортиб олиб кетишди. Собир Раҳимов туман ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир натижасида тил бириктириб, жиноят содир этган кимсалар қўлга олинди. Илгари судланган бу шахслар яна қора курсига ўтиришга мажбур.

● Фирибгарликнинг минг хил фириби бор. Уларнинг тузоғига илинмай десангиз ҳушёр бўлинг. Акс ҳолда чув тушасиз. В. ҳам Л.нинг ёлғон ваъдаларига лаққа тушди. Ваъдабоз — чет элга ишга юбораман деб, 180.000 сўм пул, «ДЭУ» телевизори, «ХИТАЧИ» видеомагнитофонини олиб қайтариб бермаган. Мана энди В.нинг ўринсиз ишонувчанлиги ўзига панд берди. Л.эса қилмишига яраша жавоб беради.

● Сирғали туманида бундан икки ой олдин 5-6-уйнинг лифтлари ишдан чиқди. Чунки лифтларнинг металлдан ясалган тўхтатгич ғалтаклари ўғирланган эди. Ҳуқуқ-тартибот органларининг саъй-ҳаракатлари туфайли ушбу ўғирликни содир этган металлфуруш ушланди.

● «Отчопар» буюм бозорида номаълум шахс Д.нинг 11 дона баҳоси 13.000 сўм бўлган аёллар рўмолини ўғирлаб кетган. Чилонзор туман ИИБ ЖҚБ ходимлари томонидан кўрилган тезкор тадбирлар натижасида ушбу жиноятни содир этган, ишламайдиган О. қўлга олинди.

● Шунингдек, катта улгуржи бозорлардан бўлган «Карвон бозор»да Х.нинг 12 та, нархи 1500 сўм бўлган «Абсолют» совунларига «пулсиз харидор» чиқди. Розиликсиз олиб кетилган совунлар ИИБ ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли ўз эгасига қайтарилди.

**Замон ЭШОНҚУЛОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ матбуот марказининг жамоатчи мухбири**




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-3

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-2307. Босмага топшириш вақти 11.30 Топширилди 1 2 3 4 5 6